

## Мисъар ибн Кидомнинг бедорлиги



08:36 / 24.03.2020 2276

Мисъар ибн Кидомнинг ўғли Муҳаммад ҳикоя қилади: «Отам Қуръоннинг ярмини ўқимагунча ухламас эдилар. Вирдларидан бўшасалар, ридоларига ўралиб, бир муддат ухлар эдилар. Кейин бир нарсани йўқотиб, қидираётган кишига ўхшаб сапчиб туриб кетар эдилар. Кейин мисвокларини ва таҳорат учун тайёрлаб қўйилган сувни қидирардилар. Кейин тонггача меҳробга юзланиб ўтирардилар. Лекин буни яширишга ҳаракат қилардилар».

**«Солиҳлар гулшани» китобидан**